Электроэнергетика соҳасида ҳақ тўланадиган оператив-диспетчерлик бошқаруви хизматларини кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА №_____

Тошкент ш. **«___» _____ 202__-йил**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Миллий диспетчерлик маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда **«Ижрочи»** деб аталади) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи, директор Бобоев М.К. бир томондан ва «_____» _____ (кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб аталади) номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи _____ иккинчи томондан, биргаликда **«Томонлар»** деб аталган ҳолда, қуйидагилар ҳақида шартнома (кейинги ўринларда **«Шартнома»** деб аталади) тузилар:

1. Шартнома предмети

1.1. **Ижрочи Буюртмачи**га давлат-ҳусусий шериклик тамойили асосида фаолият юритувчи электр станциялари, энергия сақлаш тизимларининг (кейинги ўринларда **«Объектлар»**) технологик иш режимларини бошқариш бўйича оператив-диспетчерлик бошқаруви хизматини (кейинги ўринларда **«Хизмат»**) кўрсатади. Хизмат амалдаги қонунчилик ва ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилади.

1.2. **Буюртмачи Шартнома**нинг 1.1. бандида кўрсатилган **Хизмат** учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатларда тўловни амалга оширади ҳамда шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаради.

2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочи мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу шартнома ва қонунчилик талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш.

2.1.2. **Объектлар** фаолиятини кунлик техник қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш.

2.1.3. Қисқа ва узоқ муддатли режалаштириш, Ўзбекистон Республикаси ягона электр энергетика тизими иш режимларини бошқариш.

2.1.4. **Объектлар** фаолиятига оид маълумотларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва Буюртмачига ўз вақтида етказиш.

2.1.5. Ускуналарда аниқланган камчиликлар ва ишлашдаги бузилишлар ҳақида Буюртмачига хабар бериш.

2.1.6. **Объектлар**да релели ҳимоя ва аварияга қарши автоматика ускуналарининг ишлаш тамойиллари, жойлашуви ва ишлаш параметрларини белгилаш.

2.1.7. Тегишлилиги бўйича **Объектлар**да технологик бузилишларни олдини олиш.

2.1.8. Содир бўлган технологик бузилишларни тегишлилиги бўйича бартараф этиш.

2.1.9. Оператив-диспетчерлик бошқаруви бўйича **Объектлар** билан амалдаги қоидалар, низомлар, йўриқномалар ва регламентларга асосланган ҳолда ўзаро муносабатларни амалга ошириш.

2.1.10.Энерготизим турғунлигига салбий таъсир қилган, электр узатиш тармоқлари ёки назорат кесимлари орқали қувват оқими чекланиши, давлат ҳусусий шериклик тамойили асосида бўлмаган электр станциялари, давлат гидроэлектстанциялардан ташқари, минимал юкламали режимларда ишлаганда тизимда қувват баланси бузилган, шунингдек, авариявий ҳолатлардан ташқари **Объектлар** ишлаб чиқариш қувватларини чекламаслик.

2.1.11. Агар **Объектлар**нинг электр энергияни ишлаб чиқариш қувватлари **Ижрочи** томонидан чекланса, 1-Иловада кўрсатилган шаклда техник асосланган ҳисобот тақдим этиши шарт.

2.1.12. **Буюрмачи** ва **Объектлар** ўртасида ўзаро молиявий ҳисоб-китобларни ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида **Ижрочи** ҳар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар ҳисобот ойида Объектларга киритилган қувват чекловлари (шу жумладан **Объект**нинг ўз айби билан) тўғрисида уларнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда кунлик/соатлик батафсил маълумотларни тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

2.2. Ижрочи ҳуқуқлари:

2.2.1. **Объектлар** оператив ходимларига бажарилиши мажбурий бўлган диспетчерлик буйруқларини бериш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

2.2.2. Авария ҳолати ёки унинг хавфи юзага келганда **Объектлар** уланмаларини ўчириш ҳақида диспетчерлик буйруқларини бериш.

2.2.3. **Объектлар**да ускуналарни ўчириш ёки ишга тушириш бўйича рухсат бериш ёки рад этиш. Бу операциялар **Ижрочи**нинг тегишли диспетчери рухсат берганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

2.2.4. **Объектлар** ходимлари томонидан релели ҳимоя ва автоматика, кучланишни тартибга солиш ва реактив қувват компенсатциялаш ускуналари бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.

2.2.5. **Буюртмачи**нинг ушбу шартномада белгиланган талаблар ва шартларга риоя этишини назорат қилиш.

2.2.6. **Буюртмачи** ҳамда **Объектлар** ўртасида тузилган электр энергиясини ҳарид қилиш келишувида белгиланган **Буюртмачи**нинг оператив бошқарув бўйича ҳуқуқларидан фойдаланиш.

3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. **Буюртмачи** мажбуриятлари:

3.1.1. **Ижрочи** томонидан кўрсатилган хизмат учун белгиланган тартибда, миқдорда ва муддатларда тўловларни амалга ошириш.

3.1.2. **Объектлар** томонидан белгиланган тартибда иш жадваллари тақдим этилишини ва тасдиқланган иш жадвалларига риоя этилишини таъминлаш.

3.1.3. **Объектлар** оператив ходимларининг интизомини таъминлаш, хавфли режимлар юзага келишини олдини олиш ва **Ижрочи** диспетчерининг буйруқ ва рухсатномаларини қабул қилиш имкониятини яратиш.

3.1.4. **Ижрочи** тасдиқлаган ва **Объектлар**га етказилган йўриқнома, стандарт, регламент ва бошқа ҳужжатларга риоя қилиш.

3.1.5. **Ижрочи**га зарур маълумот ва техник ҳужжатларни олиш имкониятини таъминлаш.

3.1.6. Ижрочи талаби бўйича, талаб қилинган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида хизмат учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

3.1.7. Шартнома бўйича Ижрочининг мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш.

3.2. Буюртмачи ҳуқуқлари:

3.2.1. Ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган ва шартнома бўйича хизмат кўрсатишга доир маълумотларни **Ижрочи**дан талаб қилиш.

3.2.2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан ташкил этилган комиссиялар таркибида **Объектлар**да содир бўлган авария сабабларини текшириш жараёнида белгиланган тартибда иштирок этиш.

4. Хизмат нархи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

4.1. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври 1 (бир) календарь ой ҳисобланади. Ҳисоб-китоб йили 202____ йил январдан-декабргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Хизмат нархи **Объектлар** томонидан тармоққа етказиб берилган электр энергияси ҳажми (1 кВт соат) учун ҳисобланади.

202_____ йил учун прогноз қилинган электр энергияси ҳажми 2-иловада келтирилган.

Хизматнинг умумий нархи ўрнатилган тартибда тегишли ташкилот томонидан тасдиқлаган тариф асосида шакллантирилади ва унга барча тегишли солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар киради.

4.2. Хизмат нархи (тўлов миқдори) қуйидагича белгиланган:

Йиллик умумий шартнома суммаси (прогноз ҳажмга асосан) _____ (_____минг) сўм, ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда.

Тариф ўзгарган тақдирда, томонлар ушбу бандда назарда тутилган хизматлар нархини қайта кўриб чиқиш тўғрисида тегишли қўшимча битим тузадилар, шунингдек бундай тариф кучга кирган санада ўзгартирилган тарифни ҳисобга олган ҳолда тегишли қайта ҳисоб-китоб қиладилар.

4.3. **Буюртмачи Ижрочи**га:

Тўлов тартиби ва шакллари: хизматлар учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тармоқлараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган тартибда маблағларни бўлиш йўли билан амалга оширилади. Электр энергияси истемолчиларидан олинган маблағлар, схемалар, маршрут ва пул тақсимотининг бошқа турлари бўйича тақсимлашни ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.

4.4. **Ижрочи** ва **Буюртмачи** ҳар чоракда хизмат учун амалга оширилган тўловлар бўйича ўзаро солиштирма далолатномаларини расмийлаштиради.

Агар тўлов даврида ортиқча тўлов амалга оширилган бўлса, у кейинги ҳисоб-китоб даврларида **Буюртмачи** томонидан амалга ошириладиган тўловларда ҳисобга олинади.

Агар **Буюртмачи** хизмат учун қарздор бўлса ёки тўлов кам амалга оширилган бўлса, **Ижрочи** ушбу тўловларни қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга олади:

1. Аввалги ҳисоб-китоб даврлари учун қарздорлик (ўтган даврдан бошлаб)

2. Шартноманинг 5.2-бандига мувофиқ ҳисобланган жарима (**Буюртмачи** томонидан тан олинган тақдирда)

3. Жорий ҳисоб-китоб даври учун **Хизмат** тўлови.

4.5. **Буюртмачи** шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва талабларини учинчи шахсларга бериш ёки қарз мажбуриятларини ўтказишни фақат **Ижрочи**нинг ёзма розилиги билан амалга ошириши мумкин.

5. Томонларнинг шартнома бўйича жавобгарлиги

5.1. Томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2. Агар **Буюртмачи** 4.1–4.4-бандларда кўрсатилган хизматлар тўлов муддатларини ўтказиб юборса, у ҳолда **Ижрочи**га:

Ҳисоб-фактура бўйича тўловни акцепт қилишдан асоссиз бош тортгани ёки хизмат тўлови амалга оширмаганлиги учун 0,1% миқдорида пеня тўлайди.

Банкка тўлов топшириқномасини тақдим этмаган ёки бошқа тўлов усулларини бажармаслик орқали хизмат тўловини амалга оширмаган тақдирда, **Буюртмачи Ижрочи**га 15% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар **Буюртмачи** хизмат тўловини ўз вақтида амалга оширмаса, у ҳолда ҳар кечиктирилган кун учун 0,1% пеня ҳисобланади, лекин бу сумма жами қарздорликнинг 5%идан ошмаслиги керак.

5.4. Агар **Ижрочи** асоссиз сабабларга кўра шартномавий мажбуриятларни бажармаса, у ҳолда **Буюртмачи**га бажарилмаган ой учун хизматлар миқдорининг 0,1%и миқдорида пеня тўлайди. Лекин, ушбу пеня миқдори хизмат нархининг 5%идан ошмаслиги керак.

5.5. **Ижрочи** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 10-июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Миллий диспетчерлик маркази» давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги низомга мувофиқ **Буюртмачи** олдида жавобгар ҳисобланади.

5.6. Пеня ёки жарималарни тўлаш Томонларнинг шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. Коррупцияга қарши қоидалар

6.1. Томонлар коррупцияга қарши миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ иш олиб боришга мажбур.

6.2. Томонлар шартнома тузиш жараёнида, унинг амал қилиш муддати давомида ва муддат тугагандан кейин коррупцион ҳаракатлар содир этмасликка мажбурдир.

6.3. Томонлар шартнома бўйича қўшимча коррупцияга қарши чораларни қабул қилади ва уларга риоя этишни таъминлайди.

6.4. Ҳар бир томон кафолат берадики, шартнома тузилган вақтда ва кейинчалик, ўз раҳбарлари, мансабдор шахслари ёки ходимлари орқали ҳеч қандай ноқонуний тўловлар амалга оширилмаслиги, пора таклиф қилинмасдиги ёки коррупцион ҳаракатлар содир этилмаслигини.

6.5. Томонлар коррупцияга оид қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишни кафолатлайди.

6.6. Агар бир томон коррупция билан боғлиқ ҳолатни бартараф этиш чоралари кўрилмаётганини аниқласа, у ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ва тўлиқ зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

7. Форс-мажор ҳолатлар

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Форс-мажор ҳолатига ваколатли орган томонидан берилган сертификат асос бўлади.

Форс-мажор ҳолатлари – бу томонларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган, улар томонидан олдиндан кўриш ёки ақлга мос чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолатлардир.

Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради:

Уруш ва ҳарбий ҳаракатлар,

Фуқаровий тартибсизликлар,

Эпидемиялар,

Блокада ва эмбарго,

Сув тошқини, ёнғин, зилзила ёки бошқа табиий офатлар,

Ўзбекистон Республикасининг ижро ва қонунчилик органлари томонидан ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши.

Форс-мажор ҳолатлари натижасида мажбуриятларни бажариш имконияти йўқолган томон бошқа томонни 5 (беш) кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.2. 7.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин, мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти тикланганлиги ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабар қилишлари шарт. Хабарномада мажбуриятларни бажариш муддати кўрсатилиши керак.

Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8. Шартнома шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

8.1. Ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг ўзаро келишуви асосида қўшимча келишувлар шаклида расмийлаштирилади.

Агар шартнома тузилгандан кейин томонлар учун мажбурий бўлган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса ва улар ушбу шартнома шартларига зид бўлса, томонлар шартномани ушбу ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари шарт.

Бундай ҳолатда, ушбу шартнома фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид келмайдиган қисмларига нисбатан амал қилади.

Агар шартномани янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш рад этилса, томонлардан ҳар бири шартномани суд орқали ўзгартириш талабини қўйиши мумкин.

8.2. Агар **Буюртмачи** томонидан электроэнергетика объектлари ёки диспетчерлаш объектларининг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилса (харидорга), у ҳолда **Буюртмачи**:

Ҳуқуқларнинг ўтказилишидан 10 кун олдин Ижрочини ёзма равишда хабардор қилиши шарт;

Харидорга ушбу шартнома бўйича мавжуд мажбуриятлар ҳақида маълумот бериши шарт.

Электроэнергетика объектларининг қабул қилиш-топшириш акти ёки унинг бир қисми имзоланганидан сўнг 10 кун ичида Ижрочига тақдим этилиши шарт.

Агар **Буюртмачи** реорганизация натижасида ўз мулк ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказса, шартномадаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги ҳуқуқ эгасига тасдиқланган топшириш акти ёки тақсимлаш балансига мувофиқ ўтади.

9. Низоларни ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар, шу жумладан тузиш, амал қилиш, бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ҳақиқийлигини баҳолашга оид ҳамда шартнома бўйича хизматлар тўловининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги билан боғлиқ масалалар, томонлар томонидан судгача тартибда ҳал этилишига ҳаракат қилинади.

9.2. Агар низо 30 (ўттиз) календар кун давомида ҳал қилинмаса, мазкур шартномани тузиш, бажариш, хизматлар тўловининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 202___ йил _____ соат 23:59 га қадар амал қилади. Шартнома муддати тугагандан сўнг, агар томонлардан бири Шартномани бекор қилишни талаб қилмаса, у кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

11. Якуний қоидалар

11.1. Ушбу шартнома бўйича ижрочининг алоҳида ҳуқуқлари ва мажбуриятлари унинг номидан унинг минтақавий диспетчерлик бошқармалари ва ҳудудий диспетчерлик хизматлари томонидан амалга оширилади, уларнинг оператсион зонасига диспетчерлик объектлари киради, улар ўзаро боғлиқ технологик иш режимларини ва операцион ҳолатини бошқарувчи пудратчи томонидан амалга оширилади.

11.2. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

11.3. **Томонлар**нинг ҳар бири бошқа томонга уларнинг тафсилотлари ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда хабар беришлари шарт. Ушбу билдиришнома бошқа томон учун қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилган.

11.5. Ушбу шартномани тарафлар номидан имзолаган шахслар шартномани имзолаш ваколатларини, шу жумладан унга киритилган барча иловаларни тасдиқлайдилар, шунингдек, томонлар барча шартномаларга риоя қилганликларини тасдиқлайдилар.

Томонларнинг реквизитлари

“ИЖРОЧИ”		**“БУЮРТМАЧИ”**
Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Миллий диспетчерлик маркази» ДМ Адрес: Тошкент шаҳар, Осиё кўчаси, 42-уй ИНН:201 122 919 Р/С**:** 2340 2000 3001 0000 1010 Л/с: 46001086026290704390228000 1 ИНН:309 628 444 МФО:00014, _____ _____ **М.К. Бобоев** (имзо, муҳр)		Адрес: ИНН: ОКЕД: Р/С: Банк: МФО: _____ _____ (имзо, муҳр)